O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI
HOKIMINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ

190100, Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy, tel: 0 (376) 221-70-75, fax: 0 (376) 224-00-15

2019 yil "30" Март Q-130 - sonli

Вилоятдаги ичимлик суви ва канализация хизматлари учун белгиланган махсус устама ҳақ миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900-сон ҳамда "Ўзбекистон республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сон қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 23 февралдаги 05/1-4774-сон топшириғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

ичимлик сув таъминоти тарифига - 50 (эллик) сўм/м^3;

канализация хизматлари тарифига 50 (эллик) сўм/м^3 миқдоридаги махсус устама ҳақлар белгилансин.

3. Вилоят "Сувоқова" ДУК (А.Абдусаттаров) сув таъминоти ва канализация хизматлари учун ундирилган кунлик махсус устама ҳақ маблағларини вазирликнинг қуйидаги банк реквизитларига ўтказилишини таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ш/х/в: 40101086026266795010011 0001, СТИР 304931516, ОКЕД 84111, Молия вазирлиги ғазначилиги х/р 23402000300100001010, Тошкент шаҳар МБ ХККМ МФО 00014, СТИР 201122919.

4. Сурхондарё вилоят телевидинеси (Б.Мингбоев), Матбуот ва ахборот

агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси (С.Норқобилов) ҳамда “Сурхон-тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти давлат корхонасига (Р.Рахимова) ушбу қарорни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш тавсия этилсин.

5. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 29 январдаги Қ-88-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Амиров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими в.б. **Б. Пулатов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI HOKIMLIGI DEVONXONA